

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК ШАКЛЛАРИ ВА УНИНГ ЖИНОЯТ- ХУКУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Нарзуллаева Муштарийбегим Собир кизи

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиликка талабгор

Электрон почта: mushtariybegimnarzullayeva@gmail.com

Аннотация: Мазкур магистрлик диссертациясида жиноятда иштирокчилик тушунчаси, иштирокчилик турлари, шакллари, иштирокчиликнинг объектив ва субъектив белгилари, жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси, жиноятга дахлдорлик масалалари ёритилган. Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаси асосида ушбу илмий ишни тадқиқ қилиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича жиноятда иштирокчилик институтини такомиллаштириш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар келтириб ўтилади.

Аннотация: В данной магистерской диссертации раскрываются понятие соучастия в преступлении, виды и формы соучастия, объективные и субъективные признаки соучастия, объем ответственности за соучастие в преступлении, вопросы соучастия в преступлении. Кроме того, на основе передового опыта некоторых зарубежных стран вносятся предложения и рекомендации по совершенствованию института соучастия в преступлении для устранения проблем и недостатков, выявленных в ходе изучения данного научного труда.

Annotation: This master's thesis reveals the concept of complicity in a crime, types and forms of complicity, objective and subjective signs of complicity, the scope of responsibility for complicity in a crime, questions of complicity in a crime. In addition, based on the best practices of some foreign countries, proposals and recommendations are made to improve the institution of complicity in a crime in order to eliminate the problems and shortcomings identified during the study of this scientific work.

Жиноятда иштирокчиликнинг шакллари илмий жиҳатдан тўғри талқин қилиш ва уларни бир-бирига нисбатан фарқлаш ҳолатларининг мувофиқ равишда белгилаш муҳим масала ҳисобланади. Суд-тергов амалиётида кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган ҳолат айнан иштирокчилик шакллари жиноят-хукуқий аҳамиятининг тўғри ёритилмаганлигидадир.

Ўз навбатида, жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма шаклида саналади (ЖК 29-модда). Аммо, қонунчиликдаги бу умумий қисм қоидалари махсус қисм қоидалари билан номуносиблик ҳолатида эканлигини кўришимиз мумкин бўлади. Чунончи, жиноят кодексининг махсус қисмида жазони

оғирлаштирувчи ҳолатларнинг тегишли бандларида “бир гуруҳ шахслар томонидан”, “бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб”, “уюшган гуруҳ томонидан”, “уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб”, “уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб” кўринишлари акс этган. Бундан кўриниб турибдики, умумий қисмдаги оддий ва мураккаб иштирокчилик оғирлаштирадиган ҳолларда бир гуруҳ шахслар орқали ва бир гуруҳ шахслар орқали олдинроқ тил бириктириш ҳолати кўринишида келган. Уюшган гуруҳ эса уюшган гуруҳ томонидан ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб ҳамда уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб кўринишида келган. Жиноий уюшма шакли эса ЖК 29-моддасида иштирокчиликнинг иштирокчиликнинг тўртинчи шакли, 56-моддасида жазони оғирлаштирувчи ҳолат ва 242-моддасида алоҳида жиноят “жиноий уюшма ташкил этиш” сифатида ўз аксини топади.

Жиноят ҳуқуқида “Иштирокчиликка маълум шакл берадиган белгилар, унинг объектив ва субъектив томонларини таърифлагани сабабли иштирокчилик шакллари асосида объектив ва субъектив мезонлар аниқланади. Объектив мезон ҳаракатларнинг умумийлик белгиси бўлиб, иштирокчилар орасидаги ўзаро алоқадорликни акс эттиради. Субъектив мезон иштирокчилар жиноий ҳаракатларининг келишганлик даражасини белгилайди”²², дейилади.

Демак, жиноятда иштирок этиш шакли объектив ва субъектив мезонлар йиғиндисини ташкил этиб, жиноий ҳаракатларнинг ўзаро алоқадорлик ва келишганлик даражаси нуктаи назаридан баҳоланади.

Қонунчиликда берилган иштирокчилик шакллари юридик адабиётларда ўзгача тус олганлигини олимлар фикри нуктаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, В.И.Радченко иштирокчиликнинг иккита шакли бор деб ҳисоблайди, булар: олдиндан келишилмаган ва олдиндан келишилган²³. Бизнинг қонунчилигимизда фақат бир ҳолатда яъни оддий иштирокчиликда олдиндан тил бириктирмаслик акс этган, қолган ҳолатда олдиндан келишув мавжуд. Шунинг учун бу ҳолатда ўзаро алоқадорлик ва фарқловчи хусусиятлар акс этмаганлиги учун бу фикрга қўшила олмаймиз.

А.А.Арутюновнинг қайд этишича, “жиноятда иштирокчилик шакллари бир гуруҳ шахслар томонидан, олдиндан келишилган бир гуруҳ шахслар томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ва жиноий ҳамжамият томонидан жиноят содир этиш кўринишига эгадир”²⁴.

Бу фикр-мулоҳазалардан бизнинг қонунчилик нуктаи назари бўйича солиштирсак, оддий, мураккаб, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшма

²² Jinoyat huquqi. Umumiy qism: Darslik (To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri) R.Kabulov, A.A.Otajonov va boshq. – T., 2012. –B. 223.

²³ Уголовное право. Общая часть: Учебник // Общ. Часть. В.И.Радченко. –М, 2004. –С. 258.

²⁴ Арутюнов А.А. Соучастие в преступлении. –М.: Статут, 2013. –С. 260.

шакллариининг бошқа синоним сўзлари сифатида эканлиги билан қўллаб-қувватланади.

ЖК 29-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик дейилади. ЖК махсус қисм нормаларининг тегишли моддасида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган бир гуруҳ шахслар томонидан жиноят содир этилиши айнан шу моддага мувофиқ келади. Лекин бу амалиёт нуқтаи назаридан малакаланса-да, қонунчилик нуқтаи назаридан бу ҳақида аниқ ва батафсил қоида мавжуд эмас. Чунончи, Рустамбаев, оддий иштирокчиликнинг оддий кўриниши, модомики иштирокчилар орасида роллар вазифаси бўлса-да, доимо бирга бўлиб бажаришликни тақозо этади”²⁵, деб ҳисоблайди.

А.Н.Агыбаев бу фикрга ҳамоҳанг ҳолда, “оддий иштирокчиликда ҳар бир шахс жиноят кодексининг махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган қилмишларни бевосита тўлиқ ёки қисман бажаради”²⁶, деб таъкидлайди. Булардан келиб чиқиб оддий иштирокчиликни бир гуруҳ шахслар орқали олдинроқ тил бириктирмаган ҳолатда қилмиш содир қилиш деб тушунишимиз мумкин бўлади.

Ўз навбатида, оддий иштирокчиликнинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этиш белгиси бу унинг келишув ва қасд йўқлигини англатмайди. Умуман олганда, қасднинг йўқлиги иштирокчиликни истисно этади, Иштирокчиликнинг бу турида келишув ва қасд фақат жиноят бошланганидан кейин юзага келиши билан тасдиқланади.

“Жиноятни бир нечта шахс ўзаро келишмасдан содир қилиши жиноятда иштирокчиликни инкор этади, оддий иштирокчиликда келишув жиноятнинг амалга оширилиши жараёнида ёки бир шахс томонидан содир этилаётган жиноятга бошқа шахснинг қўшилишида ифодаланади”²⁷.

Бу ҳолат ўз ўрнида мураккаб иштирокчиликдан олдиндан тил бириктириш ва тил бириктирмаслик нуқтаи назаридан фарқланади. ЖК 29-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан

²⁵ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. –Б. 346.

³ Агыбаева А.Н. Уголовное право Республики Казахстан. Общая часть, 2004. –С. 130.

²⁷ Отажонов А.А. Иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш: юрид.фан. док. дис. – Тошкент, 2016. –Б. 87.

тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади. ЖК махсус қисм нормаларининг тегишли моддасида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилиши айнан шу моддага мувофиқ келади. Лекин бу амалиётда шундай квалификация қилинса-да, қонунчилик нуқтаи назаридан бу ҳақида аниқ ва батафсил қоида мавжуд эмас. Модомики, жиноят кодексини бир қанча моддаларида бир гуруҳ шахслар орқали ёки бир гуруҳ шахсларнинг олдинроқ тил бириктирган ҳолда жиноят содир қилганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса ҳам кўп ҳолларда тергов-суд амалиётида ва назариётчи олимлар ўртасида бунга етарли даражада эътибор берилмайди ҳамда улар ўртасидаги фарқ ажратилмайди.

М.Усмоналиевнинг фикрича, “Фақат бажарувчилардан иборат бўлган жиноят ҳақида олдиндан тил бириктирилган гуруҳни мураккаб иштирокчилик деб топилаверади”.²⁸

Д.Ю.Каракетованинг таъкидлашича, жуда кўп ҳолларда гуруҳ томонидан содир этиладиган безорилик олдиндан ташкиллаштирилмай, олдиндан режалаштирилмай, балки, муайян вазият туфайли, беихтиёр юзага келиб, барча иштирокчилар бажарувчи вазифасини бажариб, уларга нисбатан мураккаб иштирокчилик қоидаларини қўллаш мумкин эмас”.²⁹

Бундан кўриниб турибдики, ҳар иккаласи ҳам бирга бажарувчилик(бир гуруҳ шахслар томонидан) асосида бажарилиши тасдиқланиб, фақатгина олдиндан тил бириктирмаслик орқали фарқлантириш мумкин деб баҳоланади.

Жиноят кодексининг 29-моддаси 4-қисмига биноан, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ, дейилади. Бу белгилар моҳияти уюшган гуруҳ тушунчасини оз бўлса-да, акс эттирса-да, лекин том маънода бу белгилар орқали унга тегишли бўлган ўзига хос хусусиятларини мустаҳкамлай олмайди. Ўз ўрнида, жиноятда иштирокчилик тушунчасида фақатгина жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиш ибораси қўлланилиб, жиноий фаолият ҳақида гап кетмаган. Мазкур белгиларни мувофиқлаштириш иштирокчилик шакллариининг фарқлаш жиҳатидан ҳам барқарорлигини таъминлай олади. Бу масалага олимларнинг фикрлари асосида ойдинлик киритамиз.

А.А.Арутюнов “Жиноят агар бир ёки бир нечта жиноят содир этиш мақсадида олдиндан жиноят ташкилотчиси томонидан бирлашган барқарор

²⁸ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. –Б. 289.

²⁹ Каракетова Д.Ю. Бир гуруҳ шахслар томонидан безорилик содир этганлик учун жавобгарлик. Юриспруденция. 2020. № 1. –Б. 69-74.

шахслар гуруҳи томонидан содир этилган бўлса уюшган гуруҳ дейилади”³⁰деб таъриф бериб ўтган. Лекин, бу тариф орқали биз ҳозирги кунда дуч келадиган турлича шаклда намоён бўладиган, шунингдек, вазиятга қараб пайдо бўладиган гуруҳларни тушунишда бироз қийналамиз. Негаки, бунда фақатгина барқарор шахслар гуруҳи томонидан жиноят содир этилиши кўзда тутилган.

В.И.Динеканинг фикрича, “Бир ёки бир неча жиноятни содир этиш учун олдиндан тил бириктирган ҳолда бирлашган икки ёки ундан ортиқ шахслар”³¹ни тушунишимиз мумкин. Бунда бир ёки бир неча жиноят содир этилиши ҳақида гап кетганда, бизга маълумки, бир жиноят содир этилиши учун олдиндан тил бириктириш мураккаб иштирокчиликда намоён бўлади. Шу билан бирга, жиноий фаолият ибораси ўрни жиноят содир этишда акс этганлиги учун қўллаб қувватлай олмаимиз.

Бинобарин, буни амалиёт мисолида кўрадиган бўлсак, Олий суд Пленуми қарорида уюшган гуруҳ белгилари ҳусусида сўз борган бўлиб, унга кўра, жиноий гуруҳни уюшган деб топиш учун қуйидаги белгилар эътиборга олиниши даркор; барқарорликдаги гуруҳ, ташкилотчининг мавжудлиги, бир нечта жиноят содир қилиш учун ишлаб чиқилганлиги, қилмишни амалга ошириш харитаси шаклланганлиги, бўйсунтириш ҳамда жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат этишлиги³² кабилардир.

Олий суд Пленуми қарорларида мазкур мезонлар умумий тарзда баён этилган бўлиб, уларда ҳусусий жиҳатлари йўқ бўлиб, тизимлилик ва изчиллик акс этмаган.

Бизнингча, уюшган гуруҳ ўзида жиноийликни, оддий ва мураккаб иштирокчилик каби икки ёки ундан ортиқ шахс эмас, балки, бир неча шахслар мавжуд бўлишини, мураккаб иштирокчилик каби фақат бир жиноятни содир этиш учун эмас, бир неча жиноятларни содир этиш учун олдиндан барқарор шаклланганлигини ва бирлашганлигини ҳамда унинг раҳбари бўлиб, у томонидан бошқарилишини мужассам этиши лозим бўлади.

Жиноят кодексининг 29-моддаси 5-қисмига кўра, икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан

³⁰ Организованная группа: понятие, проблемы квалификации и ответственности // Право и политика. Международный научный журнал. -2001. -№ 8. -С. 75.

³¹ Уголовное право: учебник // Под. Ред. д.ю.н. проф. Н.И.Ветрова, д.ю.н., проф. Ю.И.Ляпунова. –М.: Юриспруденция, 2007. –С. 163.

³² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қўлга олишда равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 21-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий баъзасининг расмий веб-сайти - www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий баъзасининг расмий веб-сайти - www.lex.uz.

бирлашиши жиноий уюшма, дейилади. Бироқ, бу тушунчада жиноий фаолият билан шуғулланиш бир канча қилмишларни содир этишни назарда тутаяди, ваҳоланки, суд-тергов амалиётида битта жиноятни ҳам жиноий уюшма томонидан содир этилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Ўз навбатида, қайд этилган тушунча жиноий уюшма ташкил этиш каби мустақил жиноят билан ҳамоҳанг эмас.

Аниқланган муаммоларни бартараф этишда олимларнинг жиноий уюшмага оид фикрларини ўрганиб чиқамиз.

М.А.Ўтановнинг фикрича, “Агар жиноят икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳлар ҳамкорлигида содир этилган бўлса, жиноий уюшма деб топилади”³³ деб қайд этиб ўтган. Бу тушунчада олдиндан келишув мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида фикр акс этмаганлиги учун биз бу фикрга қўшила олмаймиз.

А.Рустамбаевнинг қайд этишича, “икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиши учун барқарор тарзда олдиндан бирлашиши жиноий уюшма дейилади”³⁴, шундай келтириб ўтган. Бу мулоҳаза жиноий уюшма моҳиятини оз бўлса-да, очиб берса-да, жиноий фаолият билан шуғулланиш масаласи кўпгина жиноятларни содир этишини англатиши ўлароқ, амалиётда битта жиноятни содир этишда ҳам жиноий уюшмадан фойдаланиш ҳолатлари учраб турганлигини юқорида баён этган эдик.

А.Кадировнинг изоҳлашича, “жиноий уюшма деганда, турли таркибли жиноятлардан иборат бўлувчи жиноий фаолият билан шуғулланиш учун икки ёки ундан ортиқ жиноий гуруҳларнинг бирлашиши ёки келишишидир”³⁵. Бу ўринда тадқиқотчи бирлашув ва келишув иборасидан фойдаланиб тушунчани шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшган, лекин турли таркибли жиноятлардан иборат бўлувчи жиноий фаолият билан шуғулланиш сўзлари илмий-амалий жиҳатдан ҳам тўғри келмаслиги ҳаммамизга аён. Негаки, уюшма аъзолари фақат турли таркибли жиноятларни содир этиш билан кифояланмай, бир турдаги жиноятларни ҳам содир этишни йўлга қўйишлари мумкин бўлади.

³³ Утанов М.А. Теория и практика уголовного-правового и криминологического обеспечения борьбы с высогательством. автореф. дис. юрид. наук. –Тошкент. 2010. –С. 38.

³⁴ Рустамбаев А.М. Совершенствование уголовного законодательства и правоприменительной практики по борьбе с групповыми формами преступности: автореф. Дис. канд. Юрид. Наук. –Тошкент, 2010. –С. 21.

³⁵ Кадиров А.Р. Уголовно правовые меры борьбы с соучастием в организованных группах и преступных сообществах. дис. канд. юрид. наук. –Тошкент. 2006. –С. 12.